



110
X

Uzbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «21» май

№ 896-К

Каттақо'рг'он ш. – г. Каттақурган

Каттақўрғон шаҳар “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан сув иншооти қурилишини лойиҳалаштириш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддаси (ер участкаларини реализация қилиш)га, Ўзбекистон Республикаси Республикасининг Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддаси (Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти раҳбарлигининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари)га, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПҚ-3630-сонли “2018 йилда “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-25-моддасига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш, реализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан янги сув иншооти қуриш ва тармок тортишни лойиҳалаштириш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги далолатномаси тасдиқлансин (ер участкасини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатнома илова қилинади).
2. “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан массив бош режасига асосан сув иншооти қуриш ва тармок тортишни лойиҳалаштириш учун шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонларидан 0,03 гектар ер майдони танлансин.
3. Шаҳар бош архитектору (О.Розиков)га шаҳар ер ҳисоботига тегишли бўлган ер участкасини ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг икбирини Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов